

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОЖОНОВ МАРДОНБЕК ЭРКИНОВИЧ

**ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ВОСИТАСИДА ТУЗИЛАДИГАН
РЕПО БИТИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ
ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторского диссертации

Contents of the abstract of the doctoral dissertation

Бобожонов Мардонбек Эркинович

Қимматли қоғозлар воситасида тузиладиган репо битимларини қўллашнинг
фуқаролик-хуқуқий таъминлаш масалалари3

Бобожонов Мардонбек Эркинович

Вопросы гражданско-правового обеспечения применения сделки репо,
заключаемые посредством ценных бумаг23

Bobojonov Mardonbek Erkinovich

Civil law enforcement issues of repo transactions concluded by virtue of
securities.....42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....46

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Yu.22.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

БОБОЖОНОВ МАРДОНБЕК ЭРКИНОВИЧ

**ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР ВОСИТАСИДА ТУЗИЛАДИГАН
РЕПО БИТИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ
ФУҚАРОЛИК-ХУҚУҚИЙ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ**

**юримдик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2PhD/Yu40 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsul.uz) ва Ziyonet ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:	Боротов Миродилжон Хомуджонович юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Синдаров Комил Ойдинович юридик фанлар доктори Юлдашев Жаҳонгир Иномович юридик фанлар номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг «___» _____ 201_ йил соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар А.Темур кўчаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2018 йил «___» июнда тарқатилди.
(201_ йил «___» _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.С.Салаев

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси, юридик
фанлар доктори, доцент

У.А.Тухташева

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш котиби, юридик
фанлар номзоди, профессор

Н.Ф.Имомов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, юридик фанлар доктори, доцент

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё мамлакатлари иқтисодиётида молиявий глобаллашув жараёнининг чуқурлашиб бориши натижасида халқаро қимматли қоғозлар муомаласининг шакллари тобора такомиллашиб боради. Бунинг натижасида фонд бозорларининг амал қилишини таъминловчи асосий таркибий элементларидан бири бўлган қимматли қоғозлар орқали инвестицияларни жалб қилиш механизми ривожланган мамлакатлар тажрибасида ўзини тўлиқ оқлади. Масалан, АҚШ ва Япония давлатларининг қимматли қоғозлар эмиссияси натижасида юзага келган ички қарздорлиги давлат ЯММдан 1.5 баробар юқори ҳисобланади¹. Иқтисодчи мутахасисларнинг фикрича, айнан хусусий шахсларнинг маблағлари ҳар қандай давлат учун, айниқса, ривожланаётган давлатлар учун катта иқтисодий манба ҳисобланади².

Жаҳон фонд бозорларида қимматли қоғозлар муомаласини ривожлантириш соҳасида тўпланган тажрибаларни таҳлил этиш асносида мазкур тизимни такомиллаштириш ҳамда қимматли қоғозлар воситасида инвестицияларни жалб этиш механизмининг ҳуқуқий асослари ва қимматли қоғозлар муомаласи шакллари (репо битими каби) ривожлантириш зарур. Бунда капитални жалб қилиш ҳамда корхоналар, молиявий институтлар ва аҳолининг эркин маблағларини жойлаштиришнинг муқобил манбаи сифатида молия бозорини ривожлантириш, қимматли қоғозлар муомаласини таъминловчи институтларни яратиш долзарб ҳисобланади. Шунингдек, фонд бозорларидаги маълумот алмашинувини кучайтириш, қимматли қоғозлар бозорининг рисклилик даражасини пасайтириш ва уларнинг ликвидлик даражасини ошириш, муддатли қимматли қоғозлар бозорини яратиш, инвесторлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қимматли қоғозлар муомаласини турли шартнома ва битимлар воситасида таъминлаш ва солиқ сиёсатининг истиқболларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда аҳолининг бўш пул маблағларини иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилиш мақсадида корхоналар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотиб олиш тизимини яратиш давлатимиз олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади³. Ушбу йўналишда қимматли қоғозлар муомаласини турли шартнома ва битимлар воситасида таъминлаш механизми ривожланган мамлакатлар тажрибасида ўзини тўлиқ оқлаган. Бу борадаги ишларни жадаллаштириш мақсадида фонд бозорларида кенг қўлланилиб келаётган репо битимларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

¹ icma.com

² uzse.uz

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сонли Фармони // lex.uz.

Репо битими ва уни қўллашнинг назарий асосларини таҳлил этиш асносида мазкур битим хусусида олимлар ўртасида яқдиллик йўқлиги, унинг мустақил фуқаролик-ҳуқуқий битим эканлиги эътироф этилмаганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, мазкур битимнинг фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тизимидаги ўрни, уни олди-сотди, гаров, қарз каби бир қатор фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар билан ўзаро нисбатига доир назарий масалалар ўзига хос илмий бўшлиқ сифатида қолмоқда. Унинг назарий асосларини такомиллаштириш ҳуқуқ ижодкорлиги учун концептуал асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Лекин иқтисодий муносабатларнинг жадал ривожланиши, мазкур битимнинг мураккаб конструкция касб этиши уларни халқаро ҳуқуқ нормалари талаблари асосида қайтадан кўриб чиқишни тақозо этади. Шунингдек, мазкур молиявий ва ҳуқуқий воситага тадбиркорлик субъектлари, банклар, фонд бозори иштирокчилари ва турли хил мулкчилик асосида ташкил этилган акциядорлик жамиятлари томонидан жиддий талаб бўлаётганлигига қарамасдан, унинг ҳуқуқий жиҳатлари етарлича таҳлил этилмаганлиги унинг назарий ва амалий аҳамият касб этишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси (1996), «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (1996), «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги (1999) «Гаров тўғрисида»ги (1998), «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги (2014), «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (2015) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017) ПФ–4947-сон, «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида»ги (2018) ПФ–5308-сон Фармонлари, «Қимматли қоғозлар билан репо битишувларини амалга ошириш тўғрисида»ги (2004), «Ўзбекистон Республикасининг давлат қимматли қоғозлари билан репо битимларини тузиш ва ижро этиш тартиби тўғрисида»ги низомлар (2008) ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Репо битими таърифи, мазкур битимнинг ўзига хос хусусиятлари, репо битими орқали мулккий ҳуқуқни муомалага киритиш шартлари ва тартиби, репо битими конструкциясининг «қайтармалилиги», репо битимини таснифлаш каби муҳим назарий ва амалий масалалар миллий цивилистикада комплекс жиҳатдан тадқиқ этилмаган.

Мамлакатимизда битим, шартнома ва қимматли қоғозлар билан тартибга солинадиган муносабатларнинг назарий ва амалий жиҳатлари Ҳ.Раҳмонкулов, И.Зокиров, О.Оқюлов, Б.Самарходжаев, Ф.Отахонов, Ф.Шодмонов, Р.Рўзиев, Ш.Рўзиназаров, С.Гулямов, Х.Азизов, К.Синдаров, М.Боротов, Н.Нарматов, Ю.Назаров, Н.Имомов, Ж.Бобоев, О.Нарзиев, Х.Кулдашев, Ж.Юлдашев, Ш.Масадиқов, М.Ахмедов, З.Ахмаджанова, М.Воҳидов, И.Рахимовларнинг илмий изланишларида ёритилган.

Фонд биржалари ва қимматли қоғозлар муомаласига бағишланган мавзулар хорижлик олимлардан Daniel Szakaly–Henrik Tyth, Robert H.Rosenblum, Dr. Roger Wechsler, Stafford Johnson, Michael J.Fleming, Kenneth D.Garbade ва бошқаларнинг илмий ишларида баён этилган. Бу муаллифлар орасида Moorad Choudhryни алоҳида кўрсатиш мумкин¹. У репо битимини комплекс ҳолда таҳлил этган. Биржа битимлари, хусусан, репо битими билан боғлиқ масалалар МДҲ мамлакатлари олимларидан Д.А.Жуков, А.И.Кандыбка, В.А.Сидорович, А.К.Шестопалова, И.А.Трошин, В.И.Поляков, Е.В.Ивановалар томонидан тадқиқ этилган. Булардан ташқари, қимматли қоғозлар ва улар воситасида амалга ошириладиган операцияларнинг иқтисодий-назарий асослари К.Н.Корищенко, В.А.Галанов, И.Л.Бутиков, С.А.Арифжановаларнинг илмий изланишларида акс эттирилган².

Мамлакатимизда репо битимлари ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи янги восита бўлганлиги сабабли унинг ҳуқуқий табиати хусусида махсус илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган, мазкур мавзу илмий ва назарий жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат юридик университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган ҳамда «Инвестиция муҳити жозибадорлигини ошириш ва таваккалчилик хавф-хатарини камайтиришнинг ҳуқуқий механизмини яратишнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги лойиҳа доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади репо битимининг ҳуқуқий табиатини тизимли таҳлил қилиш, унинг амал қилиш механизмини асослаш, соҳадаги чет эл тажрибасини ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

репо битими тушунчаси ва ҳуқуқий табиатини таҳлил этиш ҳамда улар юзасидан муаллифлик ёндашувини ишлаб чиқиш;

¹ Moorad Choudhry The repo handbook. First published 2002. Butterworth –Heinemann, Oxford.

² Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Ўзбекистонда репо битимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш ва илмий таҳлил қилиш, уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи бошқа шартнома ва битимлардан репо битимининг фарқли томонларини аниқлаш;

уни алоҳида битим деб эътироф этишга имкон берувчи омилларни аниқлаш;

битим тузишда келиб чиқиши мумкин бўлган таваккалчиликларни таҳлил этиш ва уларнинг олдини олиш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

репо битимини муайян мезонлар асосида таснифлаш;

битимнинг субъектлари ва объектлари доирасини аниқ белгилаб олиш;

репо битими мазмунини, унда иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини таҳлил этиш;

битим тузишда унинг зарур шартларининг ўрнини кўрсатиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти молиявий бозорнинг кенг тарқалаётган институтларидан бири бўлган репо битимларига оид фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини қимматли қоғозлар воситасида тузиладиган репо битимларини қўллашнинг фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш масалалари билан боғлиқ илмий-назарий ва амалий муаммолар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари илмий билишнинг тарихийлик, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, мантикийлик, қиёсий-ҳуқуқий, статистик усуллардир.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги сифатида:

биржаларда қимматли қоғозларни муайян муддат ўтгач, аввалдан белгиланган нарх бўйича қайта сотиб олиш шарти билан тузиладиган қимматли қоғозларга доир олди-сотди битимлари (репо) тузилиши мумкинлиги асосланган;

биржа товарларининг акция, облигация ва ҳосила қимматли қоғозлар турлари аниқлаштирилиб, ҳосила молиявий воситалар биржа товари бўлиши мумкинлиги асосланган;

депозитар тилхатлар номинал қийматга эга бўлмаган қимматли қоғоз эканлиги ва у тақдим этиладиган қимматли қоғозларнинг муайян сонига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқлаши ва унинг эгаси ушбу қимматли қоғоз эмитентидан депозитар тилхат ўрнига тақдим этиладиган қимматли қоғозларнинг тегишли сонини олиш ҳуқуқини мустаҳкамлаши асосланган;

репо битими бўйича ҳисоб-китоблар миқдорнинг барча пул талабларини унинг барча пул мажбуриятларига нисбатан ҳисобга олиш механизмининг назарда тутувчи неттинг тизимини қўллаш орқали амалга ошириш асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

халқаро стандартлардан келиб чиқиб, уларнинг қоидаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш мақсадида Ўзбекистонда «Репо

битимини ривожлантириш дастури»ни ишлаб чиқиш лозимлиги бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

«репо битимининг намунавий стандартлари»ни ишлаб чиқиш лозимлиги ва мазкур стандартларни амалиётга татбиқ этиш учун фонд биржаларида Репо кенгашлари тузиш зарурлиги борасида таклифлар илгари сурилган;

Ўзбекистонда репо битимини ривожлантириш мақсадида битим бўйича умумий маълумотлар базасини шакллантириш зарурлиги, аҳолига тўғридан-тўғри репо битимларини биржаларда тузиш учун биржа операцияларини амалга оширишга рухсат бериш лозимлиги, репо битими тузишни автоматлаштирилган тизимини яратишнинг норматив базасини шакллантириш зарурлиги борасида таклифлар билдирилган;

репо битими тузишда тижорат банкларининг иштирокини кенгайтириш мақсадида тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари ва қимматли қоғозлар бозоридаги фаолиятини қонуний тартибга солишнинг Концепциясини яратиш зарурлиги асосланган;

репо битими тузиш жараёнида спекулятив ҳолатларнинг олдини олишни кучайтириш мақсадида рискларни хеджирлаш, яъни биржаларда нархлар ўзгаришида амалга ошириладиган суғурта усулларини кенгайтириш ва уларни бошқариш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишида фойдаланилган адабиётлар ва қонун ҳужжатлари расмий манбалардан олинган ҳамда улар тадқиқот ишида тегишли тартибда ҳавола қилинган. Илмий тадқиқот ишининг якуни бўйича назарий хулосалар ва амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар фуқаролик ҳуқуқи фанларида мавжуд бўлган илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар, шунингдек шартнома муносабатларига оид қонун ҳужжатлари, хорижий мамлакатларнинг қонунчилиги ва тажрибасини қиёсий таҳлил қилиш асосида илгари сурилган. Шу билан бирга, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишининг дастлабки натижалари амалиётда жорий қилинганлиги ва бу ваколатли давлат органлари томонидан тегишли тартибда тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларига ва бир қанча қонуности ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар тайёрланди ва улар қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланилди. Мазкур изланишлар қимматли қоғозлардан фойдаланишнинг зарур элементи бўлганлиги сабабли, қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари ва инвесторларининг ўзлари томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг моҳиятини тушунишларига ва мазкур операциялар натижасида келиб чиқадиган таваккалчиликларнинг даражасини камайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, тадқиқотнинг айрим натижаларидан талабалар учун турли ўқув ва методик қўлланмалар ҳамда олий ўқув юртларининг «Фуқаролик ҳуқуқи» ва «Шартнома ҳуқуқи» йўналишларидаги ўқув жараёнида маъруза ва семинарлар ўтиш жараёнида ҳамда Республика «Тошкент» фонд биржасида репо битимлари тузишда фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қимматли қоғозлар воситасида тузиладиган репо битимларини қўллашнинг фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

белгиланган тартибда биржа савдоларига қўйилган муайян турдаги ва сифатдаги товар, шу жумладан ҳосила молиявий воситалар (деривативлар) биржа товари бўлиши мумкинлигига оид таклиф «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг (янги таҳрири) 10-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 16 декабрдаги 05-44/630-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф биржа товарларининг турларини кенгайтириб, ҳосила молиявий воситалар ёрдамида репо битими тузишнинг ҳуқуқий асосини яратишга хизмат қилади;

биржаларда қимматли қоғозларни муайян муддат ўтгач, аввалдан белгиланган нарх бўйича қайта сотиб олиш шарти билан тузиладиган қимматли қоғозларга доир олди-сотди битимлари (репо) тузилиши мумкинлиги тўғрисидаги таклиф «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг (янги таҳрири) 10-моддасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 16 декабрдаги 05-44/630-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши репо битимини қонун даражасида белгиланишига ва уни тадбиркорлик субъектлари томонидан кенг қўлланилишига хизмат қилади;

депозитар тилхатларга «номинал қийматга эга бўлмаган қимматли қоғоз бўлиб, у тақдим этиладиган қимматли қоғозларнинг муайян сонига бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқлайди ва унинг эгасининг ушбу қимматли қоғоз эмитентидан депозитар тилхат ўрнига тақдим этиладиган қимматли қоғозларнинг тегишли сонини олишини ҳамда тақдим этиладиган қимматли қоғозлар билан мустаҳкамланган ҳуқуқларнинг депозитар тилхат эгаси томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ хизматлар кўрсатилишини талаб қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлайди» деб ишлаб чиқилган таъриф «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) 3-моддасига киритилди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 16 декабрдаги 05-45/631-сонли маълумотномаси). Бу қимматли қоғозлар турларини кенгайтиришига ва репо битими объектлари доирасини янада аниқлаштиришга хизмат қилади;

репо битими тузиш жараёнида қўлланиладиган неттинг атамасига мижознинг барча пул талабларини унинг барча пул мажбуриятларига нисбатан ҳисобга олиш орқали амалга ошириладиган клиринг усули деб ишлаб чиқилган таърифдан «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги

Қонуннинг (янги таҳрири) 3-моддасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2016 йил 16 декабрдаги 05-45/631-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалга оширилиши мамлакатимиз қонунчилигини халқаро стандартларга мослашувига ва миллий фонд бозорларимизни жаҳон фонд бозорларига интеграциялашувини кучайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 2 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, 14 та илмий мақола (2 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш (диссертация аннотацияси) қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологиялар ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар акс этган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Қимматли қоғозлар воситасида тузиладиган репо битимининг умумий тавсифи**» деб номланган бўлиб, унда репо битими тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти, мазкур битим ривожланиш тарихининг хорижий мамлакатлар ва Ўзбекистондаги қиёсий таҳлили амалга оширилган, унинг ҳуқуқий асослари ва ривожланиш босқичлари тадқиқ этилган.

Репо битимининг пайдо бўлишига сабаб кредитлашнинг муқобил шаклига бўлган эҳтиёж ва тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ўз активлари ликвидлилик даражасини бошқаришга бўлган заруратдир. Кейинчалик битим бевосита тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўртасида, айниқса, тижорат банклари орасида кенг тузила бошланди ва унинг қўлланиш доираси кенгайиб борди. Битимнинг ривожланиши жараёнида ундан хусусий секторда капитални тақсимлаш ва давлатнинг пул-кредит сиёсатини амалга ошириш воситаси сифатида фойдаланилган. Битим бутун дунёда ундан пул-кредит сиёсатининг ажралмас қисми сифатида фойдаланувчи давлатларнинг Марказий банклари ва молия бозорининг ҳамма жабҳаларида ўзларининг инвестициявий лойиҳаларини амалга оширмақчи бўлган хусусий молиявий институтлар учун молия

бозорларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бунда битимнинг базавий вазифаси Марказий банклар учун – банк тизимининг ликвидлилигини бошқариш ҳисобланса, молия институтлари учун – ўз активларининг ликвидлилик даражасини бошқариш ҳисобланади.

«Репо» (repo) атамаси инглиз тилидаги «*repurchase agreement*» сўзидан олинган бўлиб, «*қайта сотиб олиш тўғрисида келишув*» деган маънони билдиради.

Репо битимининг моҳиятини англаш унинг ҳуқуқий конструкцияси шаклланишига хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан тадқиқотда бир қатор олимларнинг мазкур битим тўғрисидаги қарашлари кўриб чиқилган.

Олимларнинг бир қатор келтирилган таърифларида битимнинг моҳияти тўғри талқин этилган бўлса-да, унинг хусусияти тўлиқ очиб берилмаган. Таърифлардан репо битимини тузишдан ягона мақсад қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш орасидаги нархлар ҳисобига фойдадан иборат, – деган хулоса чиқариш мумкин. Замонавий репо бозорларида қимматли қоғозлари мавжуд бўлмаган субъектлар ҳам репо битими тузиш ташаббуси билан чиқмоқда. Улар битим тузиш орқали ўзганинг қимматли қоғозларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилади.

Битимни кенгрок таҳлил қиладиган бўлсак, битимнинг биринчи босқичи ижросида мулкни сотиб олишни кредит бериш билан тенглаштира бўлади. Битимнинг биринчи ва иккинчи босқичларининг баҳолари орасидаги фарқни кредит фоизи ва битимнинг икки босқичи ижроси орасидаги муддатни кредит муддати сифатида баҳолаш мумкин. Битимнинг объекти сифатида қаралаётган мулкни эса кредитнинг қайтарилишини таъминловчи восита сифатида баҳолаш мумкин. Агар битим ижросининг иккинчи босқичида мулк қайта сотиб олинмаса, мулкни ўзида ушлаб турган тараф уни бемалол тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Фикримизча, репо битимининг моҳияти юридик ва жисмоний шахсларнинг ўзларига тегишли бўлган қимматли қоғозлар воситасида кредитлаш ва ўз активларининг ликвидлилигини бошқаришда намоён бўлади.

Тадқиқотда битимнинг тузилиши, яъни битимнинг икки қисмдан иборат бўлиши асосланди. Аслида битим ягона ҳужжатдан иборат. Тарафлар битимни иккига бўлиб ижро этадилар ва бу босқичларни ташкил этади. Шу нуқтаи назардан битимни ижро этиш икки босқичда амалга оширилади деб талқин қилинса, тўғри бўлади.

Ҳозирга қадар репо битимига цивилист ва иқтисодчи олимлар томонидан кўплаб таъриф ва тушунчалар берилганига қарамай, унинг умумэтироф этилган таърифи бор дейиш мушкул. Ҳатто репо битимини тадқиқ этган иқтисодчи олимларнинг асарларида репо битими тўғрисида сўз юритилишига қарамасдан, унга алоҳида муаллифлик таърифи берилмаганлиги кузатилди.

Юқоридаги таҳлиллардан ва қонунчилик асосларидан келиб чиқиб, репо битимига қуйидаги мазмунда илмий-доктринал таъриф берилди: *Репо*

битими битимда олдиндан келишилган муддатда ва нархда бир шахсга тегишли бўлган, бир хил фоиз ставкасига, номинал қийматида, тўлов муддатида эга бўлган айнан бир хил чиқарилишидаги ва миқдоридидаги қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш шарти билан тузиладиган ва ягона ҳужжат сифатида расмийлаштирилиб, икки босқичда ижро этиладиган ҳамда битимнинг ҳар бир босқичида қимматли қоғозларга нисбатан мулк ҳуқуқи ўтишини таъминловчи икки тарафлама келишув ҳисобланади.

Диссертациянинг биринчи боби доирасида репо битимининг жаҳон бозорида шаклланиши ҳам ўрганилган. Дунёдаги ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Россия) репо битими билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш тажрибасининг таҳлили шуни кўрсатдики, битим қуйидаги босқичларда шаклланган: биринчи босқичда банклар битимдан ўзларининг ликвидлилигини таъминлаш мақсадида фойдалана бошлаган; иккинчи босқичда битим дунё бўйлаб кенг тарқалган ва уни тартибга солувчи стандартлар ишлаб чиқилган; учинчи босқичда давлатларнинг марказий банклари битимдан банкларнинг ликвидлилигини таъминлаш учун фойдалана бошладилар; тўртинчи босқичда репо битими тузиш учун электрон савдолар жорий этилган; бешинчи босқичда дунё репо бозорларининг интеграциялашув жараёни содир бўлган. Шу асосда Ўзбекистонда репо битимининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилган. Айтиш лозимки, ҳозирда мазкур битим Ўзбекистонда қонуности ҳужжатлари билан тартибга солинганлиги билан характерланади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Репо – фуқаролик-ҳуқуқий битим сифатида**» деб номланиб, унда репо битимининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини кредитлашнинг муқобили сифатидаги аҳамияти, репо битимининг фуқаролик ҳуқуқи институтлари тизимидаги ўрни, битимнинг мазмуни таҳлил этилган ва репо битими таснифланган.

Бугунги кунда иқтисодиётни ривожлантиришга хизмат қиладиган янги ҳуқуқий ва молиявий воситаларни жорий этиш устувор вазифалардан ҳисобланади. Репо битими шу вазифаларни амалга оширишга хизмат қилувчи воситалардан бири саналади.

Репо битимининг бошқа ўхшаш битим ва шартномалардан қатор авзалликлари кўзга ташланади. Хусусан, қимматли қоғозларга нисбатан мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтиши, битим шартларини ижро этиш жараёнида юзага келадиган хавфни ва рискнинг олдини олиш ва бошқариш хусусиятига эгаллиги, битим тузилаётганда тарафларнинг кредит тарихи талаб этилмайди.

Репо битимини тузиш натижасида тарафлар қуйидаги вазифаларни бажарадилар: муайян қимматли қоғозларни жалб этиш; бўш турган пул маблағларини иқтисодиётнинг реал секторига жалб этиш; қимматли қоғозлардаги узоқ ҳолатларни қайта молиялаштириш; қимматли қоғозлар бозорида спекулятив стратегияларни амалга ошириш. Бунинг натижасида қимматли қоғозлар портфели оптимизация қилинади, капитал оқими кучаяди.

Репо битими олди-сотди, қарз ва кредит шартномаларининг, шунингдек гаровнинг хусусиятларини ўзида акс эттирувчи аралаш битим ҳисобланади. Шу билан бирга, унинг бошқа битимлардан ажралиб турувчи ўзига хос, ўзини алоҳида битим сифатида қарашга имкон берувчи хусусиятлари ҳам мавжуд.

Репо битими ва гаровда мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш функциясининг мавжудлиги уларнинг функционал жиҳатдан бир-бирига ўхшашлигидан далолат беради. Қимматли қоғозларга нисбатан мулк ҳуқуқининг бир тарафдан иккинчи тарафга ўтиши уни гаровдан ажратиб турувчи жиҳат ҳисобланади.

Олди-сотди шартномаси, гаров эвазига кредитлаш, қарз шартномаси ва репо битимларида тарафларнинг эрки нимага қаратилганлигини аниқлаш уларни янада яхшироқ фарқлашга ёрдам беради.

Репо битимининг мазмунини таҳлил этиш уни мустақил битим сифатида эътироф этишга имкон беради.

Битим мазмунини, яъни битим доирасида тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш битим ижро этилишининг кафолати бўлиб хизмат қилади. Битим тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳар бир босқичда бир-бирига мувофиқ равишда ўзгариб туради. Тарафлардан битимнинг ҳар бир босқичида пул воситаларини ва қимматли қоғозларни топшириш учун муайян ҳаракатларни бажариш талаб этилади. Бунда мажбуриятларни муқобил ижро этиш принципи катта аҳамият касб этади. Битимнинг биринчи босқичида битим тарафларининг ўз мажбуриятларини бажармаслиги битим бекор бўлишига ва тарафларнинг жавобгарлигига сабаб бўлиши мумкин. Тарафларнинг битим бўйича асосий ва қўшимча ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари ажратиб кўрсатилиши мумкин.

Битимни муайян мезонлар асосида таснифлаш, яъни унинг турларини белгилаш битим тузувчи тарафларга битим тўғрисида кенгроқ тушунча беришга ва ўзлари учун қулай бўлган битим турини танлаш имкониятини беради. Битимнинг бир нечта мезонлар асосида турларга ажратилиши, яъни битим муддатига қараб – қатъий белгиланган муддатли репо ва очиқ репо; тарафларнинг нуқтаи назарига қараб – репо ва тескари репо; битим объекти ҳисобланмиш қимматли қоғозларнинг кимда сақланишига қараб – дастлабки сотувчида, мустақил учинчи тарафда ва дастлабки сотиб олувчида; битим объектидан фойдаланиш даражасига қараб – қимматли қоғозлардан эркин фойдаланиладиган ва чекланган тарзда фойдаланадиган; битимнинг объекти бўлмиш қимматли қоғозларига қараб – давлат қимматли қоғозлари ва корпоратив қимматли қоғозлар билан тузиладиган репо битимлари каби турларга ажратиш битимни кенгроқ англашга хизмат қилади.

Диссертациянинг учинчи боби **«Репо битимининг таркибий элементлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари»** деб номланиб, унда репо битими тузишда иштирок этувчи субъектлар доираси, битим объектлари, асосий категориялари, битим тузишда мулк ҳуқуқининг ўтиши каби масалалар таҳлил этилган.

Репо битимини фуқаролик шартнома ва битимларининг бир кўриниши деб эътироф этиш учун унинг шартнома ва битимларга хос жиҳатларини таҳлил этиш лозим. Репо битими ижро этилишининг бир-биридан ажралмайдиган икки босқичдан иборатлиги, битим тузишдан кўзланган мақсад битим тузиш жараёнида қимматли қоғозларга нисбатан мулк ҳуқуқининг бир тарафдан бошқа тарафга вақтинча ўтиши каби ўзига хос хусусиятларини таҳлил этилиши битимни бошқа фуқаролик шартнома ва битимлардан оқилона фарқлашга имкон яратади.

Репо битими субъектларининг хилма-хиллиги билан характерланади. Битим тузишда икки тараф – сотувчи ва сотиб олувчи (контрагент)лар иштирок этади. Ушбу субъектларнинг мақоми битимнинг ҳар бир босқичида бир-бирига мувофиқ равишда ўзгариб туради. Бундан ташқари, битим тузишда мазкур икки тарафга хизмат қилувчи бир нечта иштирокчилар қатнашади ва улар битим тузишда ёрдамчи функцияни бажаради. Улар битим тузилганда, ўз хизматларини маълум бир ҳақ эвазига тақдим этади. Битим тузишдан кўзланган мақсад уларга тааллуқли эмас. Битим тузишда давлатларнинг Марказий банклари ҳам иштирок этади. Улар учун фойда аҳамиятли ҳисобланмайди. Улар битим ёрдамида банкларнинг ликвидлилигини ва мамлакатдаги инфляцияни қисқа муддатларда бошқаришга ҳаракат қилади. Бу Марказий банкларга битимга пул-кредит сиёсатининг бир тури сифатида қарашга имкон беради.

Репо битими объектлари хилма-хилдир. Улар доираси фақат қимматли қоғозлар билан чекланмайди. Хорижий мамлакатларда моддий товарлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳатто турар-жойлар воситасида репо битимлари тузилади. Қимматли қоғозлар битим объектлари орасида энг кўп тарқалган тури ҳисобланади. Қимматли қоғозларнинг ҳам ҳамма тури битим объекти бўлиб хизмат қилмайди. Маълум бир талабларга жавоб беридаган эмиссиявий қимматли қоғозларгина битимнинг объекти бўлиб хизмат қилади.

Фуқаролик муомаласида тузиладиган ҳар бир шартнома ёки битимнинг зарур шартлари мавжуд. Репо битимининг ҳам бошқа шартнома ва битимлар эга бўлган шартларидан ташқари, битим тузилиши жараёнида битимда акс эттирилиши лозим бўлган шартлари бор. Булар битимнинг муддати, битим баҳоси, битим фоиз ставкаси каби шартлардир. Бу шартларни битимда аниқ белгилаш талаб этилади, сабаби, ушбу шартларнинг битимда аниқ белгиланиши тарафларни битим тузишга жалб этувчи асосий омил ҳисобланади. Битим муддатининг қисқалиги, қимматли қоғозларнинг баҳоси, битимда белгиланган фоиз ставкалари тарафларга кредит ташкилотларидан кредит олгандан кўра фойдалироқ бўлиши ушбу шартларнинг нақадар муҳимлигини кўрсатади. Битимда дисконт катталиқнинг ўрнатилиши тарафларнинг битим тузиш натижасида зарар кўрмасликларини кафолатлайди.

Репо битимида мулк ҳуқуқининг ўтиши уни ўхшаш конструкцияга эга бўлган шартнома ва битимлардан фарқловчи жиҳатидир. Миллий

конунчилигимизда ҳам бу қоида акс эттирилган. Шу билан бирга, ушбу масала бўйича олимлар ўртасида яқдиллик йўқлиги кўзга ташланади. Мулк ҳуқуқи ўтганда қимматли қоғозлар эгасининг оладиган фойдаси ва унга тақдим этилган бошқа ҳуқуқларнинг тарафларга ўтиш ёки ўтмаслиги бўйича бўшлиқлар мавжуд. Фикримизча, қимматли қоғозлардан олинадиган фойда дастлабки сотиб олган тарафда қолса, мантиқан тўғри бўлади. Сабаби, репо битими кредитга нисбатан фоиз ставкаларининг пастлиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқининг дастлабки сотиб олувчида қолиши мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг «**Репо битимининг бажарилишини таъминлаш**» деб номланган тўртинчи бобида репо битимида спекулятив ҳолатларга қарши курашиш, шунингдек таваккалчилик, хатар категориялари ва уларни бошқаришни ҳуқуқий таъминлаш масалалари таҳлил этилган.

Фонд биржаларидаги спекулятив ҳолатлар уларнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Фонд биржаларидаги спекуляция ўзининг анъанавий тушунчасидан биров фарқ қилади. Фонд биржаларида тузиладиган баъзи битимлар спекулятив характер касб этади. Шу сабабдан репо битими тузишда тарафларнинг бу каби ҳолатлардан хабардор бўлиши уларнинг келиб чиқиши мумкин бўлган зарарларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Спекулятив ҳаракатлар биржа битимлари тузиш орқали намоён бўлади. Таҳлилларда шу кўриндики, спекулятив ҳаракатларнинг ижобий тарафлари ҳам мавжуд бўлиб, қимматли қоғозларнинг юқори ликвидлилик даражасини сақлаб туриши ҳамда тўсатдан юз берадиган нархларнинг ўзгаришининг олдини олишга имкон бериши мумкин.

Фонд бозорларида спекуляциянинг молиявий ва валюта спекуляция каби турлари учрайди. Спекуляция қонуний ва ноқонуний бўлиши мумкин. Спекуляция мақсадларини кўзлаган репо битимлари қимматли қоғозлар нархи ўзгариши ҳисобидан фойда кўриш ҳисобланади. Бунда тарафлар қимматли қоғозларнинг нархи ўсиши ёки пасайишидан умид қилади.

Спекулятив ҳолатларни Ўзбекистон шароитида долзарблиги фонд бозорларидаги кўплаб инқирозлар спекулятив ҳаракатлар натижасида юз беришидадир.

Битимда таваккалчилик тушунчаси жуда муҳим категориялардан бири ҳисобланади. Таваккалчилик тушунчаси ҳар бир битим ёки шартномада ўзига хос характер касб этади. Битимда таваккалчиликни минималлаштириш битим тузувчилар доирасини кенгайтиришга хизмат қилади. Таваккалчилик деганда, тараф кўриш эҳтимоли бўлган зарарнинг миқдорларда ифодаланиши тушунилади. Репо битимида ҳам таваккалчилик ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бунда таваккалчиликнинг қуйидаги кўринишлари учрайди: кредит таваккалчилиги, автоматлаштирилган тизимнинг ишдан чиқиши ва ахборот-ҳисоблаш тизимларидаги носозликлар таваккалчилиги, қимматли қоғозларнинг ликвидлилик даражаси ўзгариши таваккалчилиги, қимматли қоғозлардан олинган даромадларнинг эгасига қайтармаслик таваккалчилиги,

тарафлардан бирининг банкротлиги таваккалчилиги, контрагент таваккалчилиги, бозор таваккалчилиги ва ҳуқуқий таваккалчилик.

Битим тузишдан келиб чиқадиган таваккалчиликларни минималлаштириш учун муайян ҳаракатлар амалга оширилади. Тарафлар томонидан битим тузишда таваккалчиликни бошқариш механизмини ишлаб чиқиш имконияти фуқаролик шартномалари ва битимлари орасида репо битимининг аҳамиятини янада ошириши мумкин. Репо операцияларини амалга оширишда таваккалчиликни минималлаштириш учун таваккалчиликни аниқлаш, таваккалчиликнинг таҳлили, тегишли чораларни ишлаб чиқиш каби ҳаракатларни амалга ошириш зарур. Шу муносабат билан битим тузишдан келиб чиқадиган таваккалчиликларнинг олдини олиш мақсадида қонунчиликка тегишли ўзгартиришларни киритиш зарур.

ХУЛОСА

Қимматли қоғозлар воситасида тузиладиган репо битимларини қўллашнинг фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш масалалари мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги назарий ва илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди:

1. Репо битимидан репо операцияларини фарқлаш мақсадида репо операциясига қуйидагича таъриф бериш мумкин бўлди: *Репо операцияси қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларининг қимматли қоғозларни жойлаштириши ёки пул воситаларини вақтинча жалб қилишга қаратилган ҳаракатлари йиғиндисидир.*

2. Таҳлиллар асосида репо битимига қуйидагича илмий-доктринал таъриф берилди: *репо битими битимда олдиндан келишилган муддатда ва нархда бир шахсга тегишли бўлган, бир хил фоиз ставкасига, номинал қийматига, тўлов муддатига эга бўлган айнан бир хил чиқарилишдаги ва миқдоридидаги қимматли қоғозларни қайта сотиб олиш шarti билан тузиладиган ва ягона ҳужжат сифатида расмийлаштирилиб, икки босқичда ижро этиладиган ҳамда битимнинг ҳар бир босқичида қимматли қоғозларга нисбатан мулк ҳуқуқи ўтишини таъминловчи икки тарафлама келишувидир.*

3. Акция сотиб олишдан мақсад у келтирадиган дивидендларга, яъни иқтисодий маънодаги фойдага эга бўлишдир. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу масалага чет эл қонунчилигида ҳам тўхталиб ўтилмаган. Фикримизча, дивиденд қимматли қоғозларни дастлабки сотиб олган тарафда қолса, мантиқан тўғри бўлади. Сабаби репо битими кредитга нисбатан фоиз ставкаларининг пастлиги билан ажралиб туради.

4. Битим тузишда яна бир баҳсли масалалардан бири битим объекти бўлиб хизмат қилувчи акция эгасига тегишли бўлган жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқининг дастлабки сотиб олувчига ўтиш ёки ўтмаслигидадир. Бу масала ҳам олимлар томонидан ўрганилмаган ва репо битимини ҳуқуқий тартибга солувчи нормаларда белгиланмаган. Битим тузишдан мақсад иқтисодий фойда кўрсаткичларида намоён бўлади, ушбу нуқтаи назардан жамиятни бошқариш масаласи битим тузишда катта аҳамият

